

ДЕПОЗИТ СИЁСАТИ – БАНК РЕСУРС БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА



Рахманов Зафаржон Яшинович¹
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги ДБА қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти “Стратегик бошқарув” кафедраси мудир, PhD

Шермухамедов Бехзоджон Усмонович²
Тошкент молия институти катта ўқитувчиси
E-mail: zry2010@rambler.ru

Аннотация. Мазкур мақолада тижорат банклари жамланма балансида кузатилаётган ўзгаришлар, банк тизимида жалб этилган миллий ва хорижий валютадаги депозитларнинг таркибий тузилмаси ҳамда улар бўйича юзага келган ўртача фоиз ставкалари динамикасининг кўп омилли таҳлили асосида тижорат банклари депозит операциялари самарадорлиги ҳамда ресурс базасини мустаҳкамлашдаги ролини ошириш билан боғлиқ долзарб муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан амалий тавсиялар ўз аксини топган. Шунингдек, мамлакат тижорат банкларида депозит сиёсатини ишлаб чиқиш жараёнини такомиллаштириш юзасидан илмий таклифлар шакллантирилган.

Калит сўзлар: тижорат банклари, инфляция, депозит сиёсати, фоиз сиёсати, муддатли ва жамғарма депозитлари, ресурс базаси.

Аннотация. В данной статье нашли свое отражение актуальные проблемы повышения эффективности депозитных операций и усиления их роли в укреплении ресурсной базы банков на основе многофакторного анализа изменений в консолидированном балансе коммерческих банков страны, структуры привлеченных депозитов в национальной и иностранной валюте, а также динамики средневзвешенных процентных ставок по депозитам. Кроме того, приведены научные предложения по устранению выявленных в ходе анализа проблем по вопросам совершенствования процессов формирования депозитной политики в коммерческих банках страны.

Ключевые слова: коммерческие банки, инфляция, депозитная политика, процентная политика, срочные и сберегательные депозиты, ресурсная база.

Кириш

Банк тизими молиявий барқарорлигини таъминлаш, авваламбор, ресурс базасининг мустаҳкамлиги ҳамда диверсификацияланиш даражасини таъминлаш бўйича чора-тадбирларнинг муваффақиятли амалга оширилиши билан узвий боғлиқдир. Айни пайтда, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки монетар сиёсати доирасида амалга оширилаётган макропруденциал назорат бўйича талабларнинг кучайтирилиши миллий валютадаги узоқ муддатли ликвид ресурсларнинг етишмаслиги ҳамда банкларнинг ликвидлик бўйича тегишли кўрсаткичларга эришиш заруратининг юзага келиши каби муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Шу билан бир қаторда, аҳоли ва бизнес субъектларининг инфляцион кутилмалари даражасининг катталиги, шунингдек, узоқ муддатли депозитларни жалб этиш соҳасида банклараро рақобатнинг кучайиб бориши ҳамда технологик ривожланиш натижасида мижозларнинг инновацион хизматларга бўлган талабининг

ошиб бориши тижорат банклари томонидан депозит сиёсатини ишлаб чиқиш, уни амалга ошириш механизми ва воситаларини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида: “2020 йилдан бошлаб ҳар бир банкда кенг қўлмали трансформация дастури амалга оширилади. Бу борада банкларимизнинг капитал, ресурс базаси ва даромадларини ошириш алоҳида эътиборимиз марказида бўлади” деб қайд этилиши тижорат банклари томонидан амалга оширилаётган депозит сиёсатининг фундаментал асосларини қайта кўриб чиқиш заруратини, шунингдек, депозит сиёсатига таъллуқли бўлган назарий, услубий ва амалий масалаларни тадқиқ этишнинг долзарблигини асослайди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Тижорат банклари депозит сиёсатини бугунги кун талабларига мос ҳолда трансформациялаш муаммоси фақат мамлакатимиз банк секторига хос бўлган хусусиятлардан бири бўлиб қолмасдан, балки ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг банк соҳаси мутахассислари ва иқтисодчи олимлари диққат марказида турган масалалардан бири ҳисобланади. Хусусан, Deloitte Touche Tohmatsu Limited мутахассислари томонидан тайёрланган “2020 йилда банклар ва капитал бозори истиқболлари” номли шарҳда қайд этилишича: “Ўн йиллик якунига келиб чакана хизматлар бозорида фаолият юритувчи банклар камайиши мумкин... банклар мавжуд шароитда ўзларининг етакчилик ролини сақлаб қолиш учун мижозлар билан муносабатларини ўзгартиришда қадриятлар ва хизматларнинг яхлитлигига устуворлик беришлари ва янги молиявий технолгияларга асосланган компаниялар билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашлари зарур бўлади” [10].

Россиялик иқтисодчи олимлар А.А.Мартенс ва Н.О.Деркачлар [5] томонидан тайёрланган: “Депозит сиёсати – тижорат банкларини фондлаштиришнинг базавий элементи сифатида” деб номланган монографиясида: “...депозит сиёсати банк ресурсларининг асосий қисмини шакллантириш билан бир қаторда, унинг кредит потенциали ва молиявий фаолият самарадорлиги даражасини белгилаб беради. Аммо ушбу соҳадаги инновациялар фақат барқарор молиявий шароитдагина самара беради, исталган бошқа шароитда тижорат банклари ўзлари учун жозибадор бўлган мижозлар сегментидан маблағларни жалб этиш йўли билан ликвидлилик позициясини сақлаб қолишга интилишади” - деган хулосага келишган.

Ҳинд олимлари Нараяна Махарана, Суман Калян Чоудхури, Ашок Кумар Паниграхилар [9] томонидан бажарилган: “Deposit Mobilization of Commercial Banks: A Comparative Study of BOB and Axis Bank in Bhubaneswar City” деб номланган илмий мақолада Ҳиндистоннинг алоҳида ҳудудларида аҳоли жамғармаларини депозитларга жалб этиш юзасидан амалга оширилаётган тадбирларни таҳлил қилиб, “...мазкур фаолият йўналиши Ҳиндистон банклари учун асосий функция ҳисобланади ва уни янада ривожлантириш зарур...” лигини қайд этишган.

Шунингдек, М.Н.Бухадурова «Аҳоли билан ўзаро муносабатларда тижорат банкларининг депозит сиёсати» номли илмий тадқиқот ишида: «депозит сиёсати банк сиёсатининг ажралмас қисми ҳисобланиб, қайтариб бериш ва тўловлилик шартлари асосида банк мижозларининг пул маблағларини жалб этиш бўйича босқичма-босқич, ўзаро алоқадор ҳатти-ҳаракатлар; мақсадга мувофиқ даражадаги

рентабеллик ва банк ликвидлигига эришишни таъминлаш мақсадида сиёсатни амалга ошириш усул ва воситалари жамланмаси» [3] - сифатида эътироф этади.

Таниқли рус олимаси и.ф.д., профессор Е.И.Воробьева ўзининг «Қрим Республикасида Россия миллий тижорат банки депозит сиёсати» [4] - деб номланган илмий мақоласида: «депозит сиёсати – бу депозитлар (омонатлар) портфелини шакллантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар мажмуаси ҳисобланиб, ушбу тадбирларни амалга оширишнинг турли шакл ва усуллари, бозорнинг мазкур сегментидаги рақобат позициясини аниқлаш ҳамда ресурс базаси барқарорлиги ва ишончга сазоворлигини таъминлаш» деган хулосани қайд этган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан С.М.Ходиев ўзининг “Иқтисодий ва либераллаштириш шароитида тижорат банкларининг депозит сиёсатини такомиллаштириш” номли илмий ишида тижорат банкларининг депозит сиёсатини “депозит фаолиятининг комплекс дастури бўлиб, тижорат банки томонидан амалга оширилаётган депозит операцияларининг меъёрий, ташкилий ва технологик масалаларини қамраб олади” [7] - дея эътироф этган.

Тадқиқот методологияси

Мазкур мақолада тижорат банклари томонидан депозит сиёсатининг амалга оширишнинг жорий ҳолати таҳлил қилиниб, банк ресурс базасининг барқарорлигига таъсир этувчи омиллар аниқланган. Таҳлил жараёнида илмий абстракциялаш, эксперт баҳолаш, индукция ва дедукция, таққослаш, тизимли таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Маълумки, бугунги кунда тижорат банклари балансида жиддий таркибий ўзгаришлар юз бермоқда. Хусусан, мазкур ўзгаришлар, биринчи навбатда, банк ресурс базасида ички ва ташқи манбалардан жалб этилган қарз маблағлари салмоғининг ошиши, жисмоний ва юридик шахслардан жалб этилган депозитлар салмоғининг камайишида ўз аксини топмоқда. Тижорат банклари фаолиятининг молиявий барқарорлигини таъминлашга қўйилган талабларнинг кучайиб бориши натижасида, банклар узоқ муддатли молиявий ресурсларни топиш бўйича чора-тадбирларни фаоллаштиришга мажбур бўлмоқда. Натижада, тижорат банклари томонидан таклиф этилаётган узоқ муддатли омонатлар бўйича фоиз ставкаларнинг ошишига олиб келди, депозит портфелининг таркибий тузилмасида хорижий валютада шакллантирилган омонатлар ҳажми тўхтовсиз ошиб бормоқда.

Ушбу тизимли муаммоларни бартараф этиш юзасидан амалий тавсияларни ишлаб чиқиш учун, авваламбор, тижорат банклари томонидан жалб этилаётган миллий ва хорижий валютадаги депозитларнинг таркибий тузилмаси ҳамда улар бўйича юзага келган ўртача фоиз ставкалари динамикасини, шунингдек, макро ва микроиқтисодий омилларнинг тижорат банклари депозит сиёсати ва хизматларига таъсир даражасини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

1-жадвал маълумотларидан кўринадик, тижорат банклари жамланма баланси 2015 йилда 65 176 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2019 йилда 301 655 млрд. сўмга кўпайган. Жами баланс ҳажмининг ошиши сўнгги 2017 ва 2018 йиллар ҳисобига тўғри келган. Аммо тижорат банклари жамланма баланси операция мўлжал сифатида олинувчи ва ҳисоб-китобларни амалга оширишда қўлланиладиган АҚШ долларида қайта ҳисобланганда вазият нисбатан бошқача эканлигини кўришимиз мумкин.

Тижорат банклари жамланма балансининг асосий кўрсаткичлари динамикаси¹,
(млрд. сўмда)

Кўрсаткичлар	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил**
Жамланма баланс	65 176	84 075	166 632	214 420	301 655
Миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан курси (йил якунида)	2810	3231,48	8120,07	8339,55	9507,56
Жамланма баланс (млн. \$)	23 194	26 017	20 521	25 711	31 728
Кредит қўйилмалари	42 685	52 045	108 467	164 670	239 363
Бошқа банклардаги маблағлари, орезедентлар	*	6 588	18 347	13 545	14 241
Бошқа банклардаги маблағлар (млн. \$)	*	2 038	2 259	1 624	1 498
Нақд активлар	*	17 575	26 463	23 072	27 392
Жами депозитлар	35 600	37 183	59 579	70 001	91 304
Балансдаги салмоғи	54,6%	44,2%	35,7%	32,6%	30,3%
Жами депозитлар (млн. \$)	12 669	11 506	7 337	8 394	9 603
Олинган кредит ва лизинг операциялари	19 171	26 786	72 819	104 379	138 990
Балансдаги салмоғи	29,4%	31,8%	43,7%	48,7%	46,1%
Жами қарзлар (млн. \$)	6 822	8 289	8 968	12 516	14 619
Жами капитал	7 784	8 981	20 676	26 679	41 834
Балансдаги салмоғи	11,9%	10,7%	12,4%	12,4%	13,9%
Жами капитал (млн. \$)	2 770	2 779	2 546	3 199	4 401

Изоҳ: * очиқ манбаларда маълумотлар мавжуд эмас.

** жадвалдаги маълумотлар 2019 йилнинг декабрь ойи ҳолатига келтирилган.


Хусусан, 2015 йилда банк жамланма баланси ҳажми 23 194 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2019 йилда ушбу кўрсаткич 31 728 млн. АҚШ долларига тенг бўлган ёки 36,8 фоизга кўпайган. Жамланма балансининг ўзига хос бўлган жиҳатларидан яна бири хорижий банклар (банк-норезедентлар)да очилган ҳисобварақларда сақланаётган маблағлар ҳажмининг етарли даржада катта эканлигидадир. Хусусан, 2017 йилда ушбу маблағлар 18 347 млрд. сўмга (2 259 млн. АҚШ доллари), 2018 йил якунида 13 545 млрд. сўмга (1 624 млн. АҚШ доллари), 2019 йилда 14 241 млрд. сўмга тенг бўлган. 2019 йилда хорижий банкларда сақланаётган маблағлар 2018 йилга нисбатан 696 млрд. сўмга ёки 73 млн. АҚШ долларига (2019 йил якунидаги курс бўйича) ошган.

Тижорат банкларида ресурс базасини шакллантиришда маблағларни жалб этиш манбалари ва валютасини диверсификациялаш масаласи банк фаолиятининг молиявий барқарорлигини таъминлашга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки монетар сиёсати трансмиссион механизмнинг фоиз канали фаолияти самарадорлигига бевосита таъсир этувчи омиллардан бир эканлиги жамланма баланс таркибидаги ресурс манбалари динамикасини таҳлил этишни тақозо этади [2].

¹ <http://www.cbu.uz/uzc/statistics/bankstats/> - маълумотлари асосида тайёрланди.

1-расм маълумотларидан шуни кўришимиз мумкинки, тижорат банклари асосий ресурс манбаларидан бири бўлган депозитлар ҳажми 2019 йил якунида 91 309 млрд. сўмни ташкил этган бўлиб, 2015 йилга нисбатан 55 704 млрд. сўмга, 2016 йилга нисбатан 54 121 млрд. сўмга, 2017 йилга нисбатан 31 725 млрд. сўмга ва 2018 йилга нисбатан 21 303 млрд. сўмга ошган. Шунга қарамасдан, банкларнинг ресурс базасида депозитларнинг салмоғи йилдан-йилга камайиш тенденциясини намоён қилган. Жумладан, 2015 йил якунига кўра, жами депозитларнинг салмоғи 54,6 фоизни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2016 йилда 44,2 фоизни, 2017 йилда 35,7 фоизни, 2018 йилда 32,6 фоизни, 2019 йилга келиб 30,3 фоизни ташкил этган. Банк депозитларнинг жамланма балансидаги салмоғи 2019 йилда 2015 йилга нисбатан 24,3 фоиз пунктига пасайган.

Бундан ташқари, банк депозитлари йил якунидаги курс (АҚШ долларига нисбатан) бўйича қайта ҳисобланганда, жалб этилган депозитлар ҳажми камайиб бораётганлигини қайд этиш мумкин. Шунингдек, бугунги кунда тижорат банклари томонидан ички ва ташқи манбалардан жалб этилаётган қарз маблағлари ошиб бормоқда. Тижорат банкларининг жамланма балансида уларнинг салмоғи 2019 йил якунида 46,1 фоизга ёки 138 990 млрд. сўмга тенг бўлган. Ушбу кўрсаткич 2018 йилга (104 379 млрд. сўм) нисбатан 2,6 фоиз пунктига кам бўлишига қарамасдан, 2015 йилга (19 171 млрд. сўм) нисбатан 16,7 фоиз пунктига, 2016 йилга (26 786 млрд. сўм) нисбатан 14,3 фоиз пунктига, 2017 йилга (72 819 млрд. сўм) нисбатан 2,4 фоиз пунктига кўпайган.



1-расм. Тижорат банкларининг жамланма балансида асосий ресурс манбаларининг тутган салмоғи динамикаси²

Юқорида келтирилган таҳлилий маълумотлар асосида қуйидаги тенденцияларни қайд этиш мумкин:

² <http://www.cbu.uz/uzc/statistics/bankstats/> маълумотлари асосида тайёрланди.

биринчидан, яқин истиқболда тижорат банкларининг ресурс базасида ички ва ташқи манбалардан жалб этилган миллий ва хорижий валютадаги қарз маблағлари самоғининг ошиб бориши ҳисобига банк мижозларининг кредитга бўлган талаби қондириб борилади. Бундай ҳолат: а) ташқи молиялаштириш манбалари жозибадорлигининг ошиб бориши; б) миллий валютадаги депозитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкасининг ошиб бориши; в) миллий валютанинг тўхтовсиз девальвацияси ҳисобига хорижий валютадаги депозитлар ҳажмининг ошиб бориши; г) аҳоли ва тадбиркорлар ўртасида инфляцион кутилмалар юқори даражада қолиши ва бошқа омиллар билан изоҳланиши мумкин.

Этироф этиш зарурки, тижорат банкларининг жамланма балансидаги трансформацион жараёнлар макроиқтисодий даражадаги бир қатор рискларни юзага келтириши мумкин. Бундай рисклар жумласига юқори инфляция ва ички молиялаштириш манбаларининг етишмаслиги шароитида, сўмдаги кредитлар бўйича нисбатан юқори фоиз ставкалари кредит портфелининг долларлашув даражасининг ошиши ва валюта курси бўйича рискларга нисбатан заифлашиши, шунингдек, жаҳон иқтисодиётидаги салбий трендларнинг мамлакат иқтисодиётига таъсирининг кучайиши каби рискларни киритиш мумкин.


иккинчидан, яқин ва узоқ муддатли истиқболда жисмоний ва юридик шахсларнинг вақтинчалик бўш маблағларини миллий ва хорижий валютадаги омонатларга жалб этиш жараёнларини фаоллаштиришда инфляция даражасидан юқори бўлган фоиз ставкаларидан фойдаланиш самарадорлиги пасайиб боради. Хусусан, қимматли қоғозлар бозорининг етарли даражада ривожланмаганлиги ва тижорат банклари актив операцияларининг диверсификация қилинмаганлиги тижорат банкларини асосан кредит амалиёти билан чекланишига, шунингдек, ликвидлик бўйича белгиланган меъёрларни бажариш учун маълум миқдордаги маблағларни кассада ва (ёки) Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағида сақлашига олиб келади (2019 йил ушбу кўрсаткич 27 392 млрд. сўмни ташкил этган). Натижада, жалб этилган депозитларнинг сезиларли қисми нақд пул кўринишда (касса, вакиллик ҳисобварақларидаги маблағлар қолдиқлари) сақланишига олиб келади. Бундан шуни қайд этиш мумкинки, ушбу маблағлар одатда даромад келтирмайди ва банклар томонидан ундирилмаган (бой берилган) фойдани мижозларга тақдим этилаётган кредитлар қийматига (фоиз ставкасига) киритишга мажбур бўлади. Ушбу ҳолат кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг ошиши ишлаб чиқариш самарадорлигини пасайишига, товарлар ва хизматлар нархининг ошиб боришига хизмат қилади;

учинчидан, тижорат банклари хусусий капитали ва олинган қарзлар ўртасидаги нисбатнинг ошиб бориши банкларнинг ликвидлилик позициясида узоқ муддатли рискларни юзага келтириши мумкинлиги. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2019 йил 4 чораги учун “Пул-кредит сиёсати шарҳи”да қайд этилишича: “2019 йил якунлари бўйича иқтисодиётга ажратилган кредитлар ўсиши 73,8 трлн. сўмни ёки 54,8 фоизни ташкил этди. Кредит қўйилмаларининг асосий манбалари марказлашган маблағлар, банклар томонидан хорижий кредит линияларининг фаол ўзлаштирилиши, шунингдек, давлат ва корпоратив облигацияларни жойлаштиришдан олинган маблағлар бўлди” [1]. Бу эса, ўз навбатида қарзлар ва банк капитали ўртасидаги нисбат масаласига жиддий эътибор қаратилишини тақозо этади. Шу билан бир қаторда, Марказий банк томонидан жами

активларда юқори ликвидли активлар улушини ҳар чорақда 1 фоиздан ошириб бориб, 2020 йил июнига қадар 10 фоизгача, юқори ликвидли активларнинг қисқа муддатли мажбуриятларга нисбатини эса ҳар чорақда 5 фоиздан ошириб бориб, 40 фоизгача етказиш бўйича талабларни ўрнатилиши ички ва ташқи манбалардан жалб этилаётган қарзлар бўйича рискларнинг ошиб боришига олиб келиши мумкин.

Тадқиқотимизни тижорат банклари томонидан миллий ва хорижий валютада жалб этилаётган депозитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари динамикасини таҳлил қилиш билан давом эттираемиз.

2-расм маълумотларидан кўринадики, 2018 йил давомида банк тизимига жалб этилган миллий валютадаги муддатли депозитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари динамикасида ҳам жиддий тебранишлар кузатилган. Бир йилгача бўлган депозитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари 2018 йилнинг январь ойида 15,8 фоизга тенг бўлган бўлса,



2-расм. Тижорат банкларига жалб этилган муддатли депозитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари динамикаси³

февраль-август ойларида 13,7 фоизгача камайиб борган, сентябрь ойида 14,2 фоизгача кўтарилган. 2018 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида ўртача фоиз ставкалари 13,3 ва 13,6 фоизни ташкил этган, декабрь ойида эса 14,0 фоиз даражасида бўлган. Бир йилдан юқори бўлган муддатли депозитлар бўйича фоиз ставкалари динамикасидаги ўзгаришлар юқоридагилардан фарқланган ҳолда 2018 йилнинг сентябрь-декабрь ойларида йил давомидаги энг юқори даражани, яъни мос равишда 14,6, 15,0 ва 16,1 фоизни ташкил этган. Шу ўринда қайд этиш зарурки, 2018

³ <http://www.cbu.uz/uzc/statistics/bankstats/> - маълумотлари асосида тайёрланди.

Йилнинг қолган ойлари давомида депозитларнинг мазкур тури бўйича фоиз ставкалари бир йилгача бўлган муддали депозитлар бўйича фоиз ставкаларига нисбатан паст даражада бўлган. Демак, 2018 йилнинг сентябрь ойдан бошлаб тижорат банклари депозит сиёсатида кескин ўзгариш юз берган ва банкларнинг бир йилдан юқори бўлган муддатли депозитларга бўлган қизиқиши ошган. Бу эса, ўз навбатида, таклиф этилаётган фоиз ставкаларининг ошишига олиб келган.

Хулоса ва таклифлар

Тижорат банклари томонидан депозит сиёсатининг амалга оширишнинг жорий ҳолати ҳамда ушбу сиёсатга таъсир этувчи макроиқтисодий омиллар таҳлил асосида қуйидаги хулоса ва таклифларни қайд этиш мумкин:

➤ тижорат банкларида депозит сиёсатини ишлаб чиқишда узоқ муддатли стратегик мўлжалнинг мавжуд эмаслиги оқибатида омонатларни жалб этиш бўйича устуворликларнинг ўзгаришига олиб келган. Бу бир томондан банк фаолияти ва уни тартибга солиш тизимида юз бераётган трансформацион жараёнларга мослашиш нуқтаи назаридан ижобий ҳисобланса-да, иккинчи томондан мижозларнинг банклар депозит сиёсатига нисбатан ишончсизлик даражасини оширувчи омил эканлигини эътироф этиш зарур;

➤ банк мижозларининг ҳуқуқий ҳолати, жалб этиш валютаси ва депозитларнинг турларига қараб дифференциал фоиз ставкаларининг ўрнатилиши, (яъни, фоиз сиёсатини олиб борилиши) уларни банк активларида асосий ўрин эгалловчи кредитларга жойлаштиришда муайян муаммоларни юзага келтиради. Бунда жалб этилган ва жойлаштирилган маблағларнинг муддати ва фоиз ставкалари ўртасидаги номувофиқликнинг юзага келиш эҳтимоли ошиши назарда тутилади;

➤ жисмоний шахслардан жалб этилаётган хорижий валютадаги омонатлар бўйича фоиз ставкаларининг пасайиб бориши маълум жиҳатдан аҳоли ихтиёридаги вақтинчалик бўш пул маблағларини иқтисодиётнинг реал секторидан “яширин иқтисодиёт”га оқиб ўтишига сабабчи бўлади. Юқорида қайд этилганидек, мижозларнинг банк секторига бўлган ишончи биринчи навбатда, узоқ муддатли даврда хизматлар нархининг сақланиб қолиши билан белгиланади. **Демак, фоиз ставкалари тезкор ёки фундаментал омиллар таъсирисиз ўзгартирилиши депозит сиёсатининг самарадорлигини пасайтирувчи омил сифатида баҳоланиши зарур;**

➤ тижорат банклари ресурс базасида ички ва ташқи манбалардан жалб этилган қарз маблағлари ҳажмининг ошириб бориши, шунингдек, миллий валютанинг девальвацияси шароитида банклар депозит портфели таркибида хорижий валюталарда шакллантирилган омонатлар ҳажми ошиб боради. Илмий-амалий манбаларда банк тизимга жалб этилган омонатларнинг “долларлашуви” [6] деб номланувчи ушбу жараёни тижорат банклари фаолиятида глобал характердаги тизимли рисклар, валюта ва операцион рисклар даражасини кучайтирувчи омил сифатида кўриб чиқилади. **Демак, миллий валютадаги омонатлар жозибадорлигини ошириш ва уларнинг депозит портфелидаги салмоғини ошириш юқорида қайд этилган муаммоларни бартараф этиш имкониятини беради.**

Юқорида эътироф этилган хусусиятлар ва омиллар тижорат банклари томонидан депозит сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш жараёнида эътиборга олиниши уларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш, молиявий барқарорликни таъминлаш, аҳоли ва бизнес субъектларининг инфляцион кутилмалари

динамикасини ижобий томонга ўзгартириш, депозит портфелининг долларлашув даражасини пасайтириш, шунингдек, банк фаолиятида юзага келаётган рискларнинг салбий таъсирини бартараф этишда муайян аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки “Пул-кредит сиёсати шарҳи”, 2019 йил IV чорак. Т,: 2020 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Монетар сиёсатнинг 2019 йил ва 2020 –2021 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишлари. (<http://www.cbu.uz/uzc/monetarnaya-politika/>)
3. Бухадурова М.Н. “Депозитная политика коммерческих банков во взаимоотношениях с населением”. автореферат. дис. ... канд. экон. наук: 08.00.10. – Москва., 2012. – 12-15 стр.
4. Воробьева Е.И. Депозитная политика Российского Национального коммерческого банка (ПАО) в Республике Крым. Научный вестник: Финансы, банки, инвестиции - 2018 - №1. 99-110 стр.
5. Мартенс А.А., Деркач Н.О. Депозитная политика как базовый элемент фондирования коммерческого банка / А.А. Мартенс, Н.О. Деркач // Образование и наука: современные тренды : коллективная монография (Чебоксары, 15 март 2018 г.) / гл. ред. О.Н. Широков – Чебоксары: ЦНС «Интерактив плюс», 2018. – С. 140-150.
6. Скакова Д. 2014. «Эмпирическая оценка трансмиссионного механизма денежно-кредитной политики в Республике Казахстан», Экономическое обозрение Национального Банка РК, №3, 2014, стр. 14-20.
7. Ходиев С.М. “Совершенствование депозитной политики коммерческих банков в условиях либерализации экономики”. автореферат дис. ... канд. экон. наук. 08.00.07– Ташкент, 2010. – 19 стр.
8. Ize, A., Parrado E. “Dollarization, monetary policy and the pass through”, IMF Working paper, 2002.02/188 (Washington, International Monetary Fund).
9. Narayana Maharana, Suman Kalyan Choudhury, Ashok Kumar Panigrahi. Deposit Mobilization of Commercial Banks: A Comparative Study of BOB and Axis Bank in Bhubaneswar City. Journal of Management Research and Analysis 2015;2(3):195-203.
10. <https://www2.deloitte.com/us/en/insights/industry/financialservices/financial-services-industry-outlooks/banking-industry-outlook.html>